

## ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ДАВРИ МАКТАБ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҚИЁФАСИ

**Наргизахон Абдуқаҳҳоровна Шарипова**

Кўқон давлат педагогика институти академик лицейи ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон таълим тизими диний таълим берувчи мактаблар, мадрасалар, рус-тузем, янги тузум ва совет типдаги мактабларни босиб ўтди. Айни кунларда яқин ўтмишга айланган совет даври таълим тизими ютуқлари ва муаммолари билан ёдланади. Мақолада таълим тизимининг ўзига хос услублари, жамоат ташкилотлари, ўқитувчиларнинг ташқи кўринишларини даврий нашрлар, архив материаллари асосида ёритишга ҳаракат қилинди.

**Калит сўзлар:** мактаб, ўқувчи, ўқитувчи, кундалик, тартиб-интизом, болалар психологияси, педагогика.

## SOCIAL APPEARANCE OF SOVIET SCHOOL TEACHERS IN UZBEKISTAN

**Nargizaxon Abduqahhorovna Sharipova**

Teacher of the Academic Lyceum of Kokand State Pedagogical Institute

### ABSTRACT

The Uzbek education system has overtaken religious schools, madrassas, the Russian system, the new system, and Soviet-style schools. The achievements and problems of the Soviet-era education system, which has become a thing of the past in recent days, will be remembered. The article tries to dissolve the specific methods of the appearance of public organizations, teachers on the basis of periodicals, archival materials.

**Keywords:** School, swimmer, teacher, daily, discipline, child psychology, pedagogy.

### КИРИШ

Сўнгги йилларда таълим тизимига эътибор кучаймоқда. Таълим тизимининг асосини ташкил қилувчи ўқитувчиларнинг моддий таъминланганлик даражасини ошириш мақсадида яратилаётган имтиёз ва

имкониятлар борган сари кўпайиб бормоқда. Мактаб – кадрлар тайёрлаш тизимининг дастлабки босқичидир. Совет даврида мактабларнинг кундалик ҳаёти қатъий ишлаб чиқилган тартиб асосида амалга оширилди. Ўқув куни бошланиши ва уни қандай ўтказиш, ўқувчилар жалб этилган жамоат ташкилотлари – октябр, пионер, комсомолдан тортиб, ўқувчига талим-тарбия бериш сиёсий жиҳатдан қолипга солинган эди. Кейинчалик психолог ва педагоглар томонидан анъанавий совет таълим тизимини ижодий фикрлашга қодир бўлмаган, партия учун хизмат қиладиган армия тарбиялашда айбланди. Чунки ўқитувчилар партиянинг қуролига айланиб улгурганди.

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ.**

Мақола умум қабул қилинган тарихий-методлар – тарихийлик, қиёсий-манتيқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган. Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислохотлар аҳолини турмуш даражасини ошириш, меҳнат фаолиятини яхшилаш учун қаратилган. Шу жумладан мактаб ўқитувчиларининг моддий таъминланганлик даражасини яхшилаш учун қатор қарорлар қабул қилинди. Ўқитувчиларнинг 1945-1991 йиллардаги ижтимоий қиёфаси юзасидан олиб борилган тадқиқотлар таҳлили бугунги кунда давлат томонидан олиб борилаётган сиёсатни аниқ белгилаб олишга керакли манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Мақола ёзиш жараёнида Қодиров И, Очилов М, Очилова Н асарларига мурожаат қилинди. Бу асарларда ўқитувчиларга яратилган имтиёзлар ҳақида сўз борган. Архив материаллари асосида ўқитувчилар ойлик маошлари миқдори ва сарфи ҳақида маълумот олинди. Нафақадаги ўқитувчи М.Мухторова, И.Асқаровлар суҳбат чоғида 1950-1990 йиллар давомида ўқитувчилар иш тартиби, уларга яратилган имкониятлардан фойдаланиш даражаси ҳақида фойдали маълумотлар беришди. Даврий нашрлар асосида жамиятда ўқитувчиларнинг обрўси тушиб борганлиги ва бунинг сабаблари ёритилди.

### **НАТИЖАЛАР**

Коммунизм асосчиларидан бири В.И.Лениннинг “Биз эндиликда ўқитувчи кадрларнинг янги армиясини шакллантиришимиз лозим. Улар партия сафларида ҳамоҳанг бўлишлари, партия ғояларини ёйиш ва келажак авлодни тарбиялашлари керак” деган сўзлари оқибатида ўқитувчилар доимо партиянинг диққат-эътибор марказида бўлди. “Совет ўқитувчиси партиянинг ишончли вакилидир” деган шиор 70 йил давомида долзарблигини йўқотмади. Коммунистик партия ўз ғамхўрлигини кўрсатиб кўйиш мақсадида турли

ислохотларни амалга оширган. Ўқитувчилар қатламини шакллантириш жараёнида совет ҳокимияти мустаҳкам таянч нуқтага эга дастур тузиб чиқишга эътибор қаратди. Чунки ўқитувчилар ғоя тарғиботчиси, ёшлар онгига, аҳоли билан тушунтириш ишлари олиб боришда энг асосий қурол бўлиб хизмат қиларди. Айниқса қишлоқ жойларда “ўқитувчи” барча нарсани англантиши мумкин эди. Ўқув юртларида таҳсил олаётган талабаларни комсомол таркибига ўтказиш, коммунистлар сонини кўпайтириш йўли билан совет ғоялари тарғиботи учун кўплаб малакали мутахассислар тайёрланар эди. Қишлоқ ўқитувчилари учун имтиёзлар, ойлик маошларини ошириш, рағбатлантириш пуллари, моддий ёрдам, коммунал тўловлар учун қўшимча пул бериш каби моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишлари ташкил этилди. Маънавий томондан рағбатлантириш учун 1940 йил 10 февралдан “Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи” унвони жорий этилган бўлсада, [10]ўқитувчиларнинг касб байрами 1965 йилдан бошлаб ҳар йили 5-октябрда нишонлана бошланди. [12] Мактаб ўқитувчиларнинг иш куни деярли бир хилда ўтади. Дарсга кириш учун қўнғироқ чалингунича ўқитувчи дарсга тайёр бўлиши лозим. Ўқитувчи илмий бўлим томонидан тасдиқланган дарс ишланмаси, синф журнали, китоб, кўргазмали қуроллар билан синф хонасига кириб боради. Албатта, дарс жараёнининг қандай бориши ўқитувчи маҳоратига боғлиқ. Ўқувчи учун келгуси касб танлашда ўқитувчи шахси жуда катта аҳамиятга эга. 1970 йилда ўрта мактаблар учун низом қабул қилинди.[13] Эндиликда ўқитувчининг ўзини тутиши янада қаттиқ назорат қилинадиган бўлди. Педагогик ахлоқ қоидаларида ҳаққонийлик, ҳалоллик, адолат талаблари кўрсатилган бўлсада, амалда ўқитувчи тўлиқ ўзлаштириш бериши, “иккисиз икки йиллик” дастури асосида ишлаши талаб этилди.[2, 36] Оқибатда таълим сифати пасайиб борди. Мактабда ўқитувчилар хонасининг алоҳида ўрни бор. Ўқитувчилар турли масалалардаги ўз муаммолари билан ўртоқлашишлари мумкин бўлган. Дарс таҳлили, тушлик масаласи, шахсий масалалар ҳақида фикр алмашишган. Ҳатто дарсдан кейин ўқитувчилар хонасида аёл ўқитувчилар тўпланиб тўпланиб кўшиқ айтиб рақс тушишган.[6] Маданий дам олишнинг бу хил турига мактаб раҳбарлари ҳам эътироз билдирмаганлар. Туғилган кунлар ҳам шу хонада нишонланган. Лекин барча мактабларда ҳам ўқитувчилар хонаси бўлмаган. Даврий матбуотларда 1980-1990 йиллар орасида ўқитувчи дарсдан сўнг дам олиши, ўз устида ишлаши, фикр алмашиши ва ҳордиқ чиқариши учун имконият яратилишини, ўқитувчилар учун дам олиш хоналари ажратилишини талаб қилган мақолалар ҳам чоп этила бошланди.[9, 3] Урушдан кейинги йилларда ўқитувчиларнинг кийиниш маданияти анча тартибга тушди. Ўқитувчиларнинг кийиниш маданияти, яшаш

мухити моддий таъминланганлик даражасига боғлиқ. СССР Министрлар Кенгашининг 1948 йил 10 февралдаги “Бошланғич ва етти йиллик мактабларнинг ўқитувчилари учун енгиллик ва имтиёзлар тўғрисида”ги қарорига асосан бошланғич, етти йиллик, ўрта мактаб ўқитувчиларининг ойлик маошлари 15% га оширилди. Ойлик иш ҳақи ўртача 120 сўмни ташкил этди. Бундан ташқари педагогик стажи 25 йилдан кам бўлмаган ўқитувчиларга ойлик иш ҳақининг 40%идан кам бўлмаган нафақа тайинланди. Қишлоқ ўқитувчиларига эса ер участкалари, яшаш учун бепул уй-жой, сентябр ойигача қишда фойдаланиш учун ёқилғи, ёнилғилар етказиб берилиши кўзда тутилди. [1, 21].

Мактаб ўқитувчилари учун бирон бир форма, мажбурий кийим ҳақида қарор қабул қилинмаган. Ўқитувчи одоб-ахлоқ қоидаларига асосланиб одми кийиниши керак эди. Ўқитувчи аёлларнинг деярли 90% и бошларида рўмол, одми куйлаклари билан кўз олдимизда гавдаланади. Тақинчоқлар тақиб келиш, ортиқча бўянишни ўқитувчилар ўзига эп кўришмаган. Эркаклар ҳам кўйлак, костюм-шим, кўпинча бошларида дўппи билан ишга келишган. Уларнинг кийган кийимлари ўқувчилар учун намуна ҳисобланган. Юқори синф ўқувчи қизлари аёл ўқитувчиларнинг соч турмақларига ҳавас қилиб қарашарди. Ўқитувчиларнинг гапириши, ўзини тутиши доимо ўқувчининг диққат эътиборида бўлган. Даврий нашрларда мактаб ҳаёти ҳақида ёзилган мақолаларда ўқитувчиларнинг ташқи кўринишлари тасвирланган. Муаллиф мактабдаги энг ҳурмат қиладиган ўқитувчиси ҳақида эслаб қуйидаги сўзларни ёзади: “Ҳануз эсимда: мени ҳаммадан ҳам ўқитувчининг кийим-боши лол қолдирди. У ниҳоятда озода ва сипо кийинган, эгнида оҳори тўқилмаган оқ кўйлак устидан ўша даврларда мода бўлган чарлистон костюм-шим, бўйнида гулдор галстук, оёғида ялт-ялт қора туфли, бошида тахи бузилмаган чувст дўппи” Бу ўқитувчига қараб ўзида ўқитувчилик касбига интилиш пайдо бўлганлиги ва ўша ўқитувчига ўхшашга ҳаракат қилганлигини айтган. Лекин ўқитувчилар орасида кийиниш маданиятига амал қилмайдиганлар ҳам кўплаб учраган. Аёл ўқитувчиларнинг ранг-барангликда кийиниши даврий нашрларда танқид қилинган.[10, 3] Танқидий руҳдаги мақолаларда эса баъзи мактаблардаги кўнгилсиз ҳолатлар таҳлил қилинган.[8, 3] “Ўқитувчи ўз ёшига ярашмаган қимматбаҳо кофта-юбка кийиб бошига ялтироқ рўмол ўраган, бармоқларида узук. Маҳаллани димоғдор карчалон аёлларига ўхшайди. Тўйма-тўй юрадиган бекорчи аёлларга ўхшаб олган”. Мактаб жамоасининг аксариятини аёллар ташкил қилган. Текшириш учун келган назоратчи уларнинг бири ял-ял ёнган атлас куйлакда, бошқаси ранги бир бирига тушмайдиган кофта-юбка кийиб олганлигини танқид қилган.[7, 2]

Ўқитувчиларни одмироқ ва дид билан кийинишга чорлайди. Ўқувчи тарбиясининг мазмуни ўқитувчи кийими ранг-баранглигига қараб эмас, балки иш услуби ранг-баранглигига қараб ўлчанади. Бунда унинг маҳорати, тажрибаси муҳим рол ўйнайди. Бу фикр аксиома, яъни исбот талаб қилмайди. Нафақадаги ўқитувчилар билан суҳбат жараёнида шу нарсага амин бўлдимки, ўқитувчининг бисотида бир неча кийими бўлган холос. Ўқитувчининг камтаргина ойлиги фақат энг керакли нарсаларни харид қилиш учун сарфланган. Гарчи ўқитувчилар учун махсус форма жорий қилинмаганлигига қарамай, ўқитувчилар маълум бир кийиниш қоидаларига амал қилишган. Ўз ўқитувчиларини таърифлаш чоғида кишилар уларнинг оддийгина, лекин дид билан кийинганини эътироф этадилар. Шаҳар жойларда яшаб, ишлаётган ўқитувчиларнинг кийим-кечаги қишлоқ ҳудудларида яшаётганларникидан яхшироқ эди. Чунки қишлоқ магазинларида керакли товарларни йўқлиги ва пул етишмаслиги турфа ҳил кийиниш учун имкон бермасди. Асосан тўқ рангли қора, жигарранг, кўк рангли кийимлар кийиб юришган. Эркаклар бошида дўппи, аёллар рўмол ўраганлар. Моддий етишмовчиликга қарамай, ўқитувчилар содда, лекин дид билан кийинишга ҳаракат қилдилар. Шу билан бирга ўқитувчиларнинг ташқи кўринишлари шаҳар ва қишлоқ жойларда бир-биридан фарқ қилиши давом этди. Услубчилар ўқитувчиларга кўрсатмаларида шундай ёзганлар: Ўқитувчи ёш авлод олдида ўз обрўини тўкиб қўймаслиги учун ташқи кўриниши ҳақида жуда қаттиқ қайғуриши керак. Ўқитувчи бошқалардан кўра чиройлироқ, ҳалол, сезгир, самимий, қувноқ ва ташқи кўриниши ёқимли бўлиши керак. Ўқитувчининг моддий таъминотини ўсиб бориши 1960-1975 йиллар давомида яхшигина кўрсаткич берган бўлса, 1980 йиллардан бошлаб пасайиб борди. 1960 йилларнинг бошларига келиб халқ хўжалигининг таълим ва ишлаб чиқариш тармоқларидаги ишчи-ҳодимларнинг иш ҳақи даражасида сезиларли тафовут юзага келди. Масалан, 1958 йилда таълим олувчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи саноат ишчиларига нисбатан 20 % паст бўлган. Иш ҳақи фарқи халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш тармоқларида ишчиларнинг иш ҳақи регуляризациясидан кейин яна ҳам ортди ва 1960 йилда унинг таркиби аллақачон 24% ни ташкил қилди. СССР Министрлар Кенгаши Марказий Ижроия қўмитаси 1964 йил 15 июль куни “Таълим ва соғлиқни сақлаш, уй-жой ва коммунал хизматлар ходимларини иш ҳақини ошириш” тўғрисидаги № 620 сонли қарорини қабул қилди. Ушбу қарор қабул қилинган вақтда таълим соҳаси ходимларига иш ҳақи тўлашда қуйидаги камчиликлар бор эди. Ўқитувчилар расмий иш ҳақи даражаси моддий ишлаб чиқариш ишчилар билан солиштирганда паст эди; Мактаб жойлашишига қараб ўқитувчи иш ҳақининг

турли гуруҳлари бор эди. (шаҳарлар ва қишлоқ жойларда); Мактаб ўқувчиларининг ёшига қараб ўқитувчиларга тўланадиган ҳақда фарқ бор эди. Ставкаларнинг уч гуруҳи мавжуд эди: энг паст (1-4 синфларда), юқори (5–8 синфларда) ва нисбатан юқори (9-10 синфларда) Ходимларнинг таълим даражаси ва ишбилармонлик кўникмаларини ошириш учун моддий рағбатлантириш заиф бўлиб, олий маълумотли ва унга эга бўлмаган ўқитувчилар учун иш ҳақи ставкалари миқдоридан фарқ кам эди. 1-4 синфларда олий маълумотли ўқитувчилар учун иш ҳақи даражалари йўқ эди. Уларга ўрта педагогик маълумотга эга ўқитувчилар учун назарда тутилган даражалар бўйича маош тўланди. Қўшимча ишлар учун тўлов (синф раҳбарлиги, ёзма ишларни текшириш) ўқитувчиларнинг ҳақиқий меҳнатига яраша тўланмади. 1964-йилги ислохот мактаб ва бошқа ўқув юртларининг раҳбар ходимларига ҳақ тўлашда бир қатор ўзгаришларни киритди. Энди уларнинг иш ҳақи ҳажми ўқувчилар сони, таълим даражаси ва педагогик иш тажрибасига боғлиқ бўлди. Ҳақ тўлашнинг янги шартлари жорий этилиши натижасида олий маълумотли ўқитувчиларнинг иш ҳақи 26,5% га, тўлиқсиз олий маълумотлиларники 21,2% га, ўрта махсус маълумотлиларники-19,6% га, умумий ўрта маълумотли-13,3% га ошди. Шундай қилиб, 1964-йилги ислохотдан сўнг ўқитувчилар хизмат муддати ва ўқитиладиган соатлар сонига қараб 65-115 сўм ола бошладилар. СССР Статистика бошқармасининг 1984 йил 27 апрелдаги буйруғи билан ўқитувчи ва маорифнинг бошқа ходимларини ойлик иш ҳақи 0,10%га оширилди. Ойлик маошдан ташқари ўқитувчилар учун коммунал тўловлар учун алоҳида пул берилган. 1984 йилнинг бошида Фарғона вилоятида фаолият юритаётган 40340 нафар ўқитувчига коммунал тўловлар учун 53,1 минг сўм ажратилган. Кейинги йилда 42489 нафар ўқитувчи учун 70,1 сўм ажратилган.[3, 17-18] 1979 йилда СССРда ўртача иш ҳақи 148,74 сўмни ташқил қилган. 1 сўмга 100 пачка гугурт сотиб олиш, 100 марта телефон қилиш, ўқитувчилар 110-130 сўм, инженерлар 11-130 сўм врачлар 100-150 сўм, ҳамширалар 80-100 сўм олишган. Оддий ишчилар ишнинг оғирлигига қараб 100 сўмдан- 400 сўмгача олишган. Картошкани килоси 5 тийин бўлганини ҳисобга олсак, бир кунлик тушлик овқат 20-50 тийинни ташқил қилган. 1988 йилда ўртача ойликлар 217 сўмни ташқил қилиб, ўқитувчи ва шифокорлар ўртача 165 сўм олар, ҳамширалар 80-100 сўм олса, баъзи соҳа ишчилари 200- 400 сўм олган. Нон 16 тийин, 10 та тухум 1,20 тийин, сут 26 тийин, картошка 12 тийин, тушликлар 1,40 тийинни ташқил қилган. Жинси шимлар 150 сўм, крассовкалар 50-70 сўм турган бўлса, мактаб формаларини 35-40 сўмга олиш мумкин эди. Агар бир оилада 3та мактаб ўқувчиси бўлса она ойлигини ярмидан кўпи мактаб формаси учун

сарфланган.[12] 1990 йиллар арафасидаги иқтисодий қийинчиликларни ҳисобга олиб 1990 йил 13 ноябрда Ўзбекистон ССР Президентининг “Барча типдаги мактаб ўқитувчиларига, болалар уйлари тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар, юқори синф ўқитувчиларини ойлик маошини ошириш” ҳақидаги қарори қабул қилинди.

### МУҲОКАМА

Ўқитувчилар доимий равишда барчага ўрнатилган бўлишлари таъкидланди. Чунки улар юксак коммунистик ахлоқий намуна бўлишлари, ғоявий ишонч, маданият, яхлитлик ва кенг билим эгаси эканлигини кўрсатиши керак эди. Ўқитувчиларнинг кундалик маданияти, рўзғори бутлиги ҳақида халқ таълими бўлимларида ҳисоб юритилган.

#### Наманган шаҳар Ю.А.Гагарин номидаги № 39 мактаб ўқитувчиларининг кундалик маданияти ҳақида маълумот (1972 йил 17 июл ҳолатига)[4]

| № |                        | кутубхона | китоблар сони | телевизор | радиоприёмник | холодильник | кир ювиш машинаси | автомобиль | мотоцикл |
|---|------------------------|-----------|---------------|-----------|---------------|-------------|-------------------|------------|----------|
| 1 | директор               | 1         | 35            | 1         | 1             | 1           | 1                 | -          |          |
| 2 | завуч                  | 2         | 55            | 2         | 2             | 2           | 2                 | -          |          |
| 3 | тарбиявий ишлар бўйича | 1         | 105           | 1         | 1             | 1           | 1                 | -          |          |
| 4 | ўқитувчилар            | 42        | 1050          | 27        | 35            | 30          | 31                | -          | 1        |

Ўқитувчиларнинг яшаш шароитлари ҳам назорат қилиб борилди.

Косонсой шаҳри бўйича

Мактабда ишлаётганлар сони 563 нафар, шундан 281 нафари аёллар

1. Олий маълумотлилар-312/131
2. Т.о.м.39/17
3. Махсус ўрта 161/111
4. Умумий ўрта 51/25
5. Ижарада ўтирганлар 10
6. Квартира олишга навбатда турганлар 7 та
7. Уй қуришга навбатда турганлар 53 та

8. 1989 йилда квартира олганлар 5 та
9. Ҳозирча ер участкасини олганлар сони 14 та[5]

Шу тариқа жадваллар юритиб борилган.

Лекин ўқитувчиларнинг ойлик маошлари кундалик ҳаётини таъминлаш даражасидан ортда қола бошлади. Олий таълимни битириб мактабда иш бошлаган ёш ўқитувчи бир ставка дарси учун 124 сўм ойлик олган. Костюм-шимни 140-150 сўмга сотиб олинган. Пул жамғариб оила қуриш учун катта маош талаб қилинади. Ўқитувчи сони кўплиги учун дарс соатлари етишмаган. Шунинг учун йигитлар ўқитувчиликни ташлаб, бошқа соҳага ўтиб кетишган. Оқибатда мактабда ишловчиларнинг аксарияти хотин-қизлар бўлиб қолган. 20 йил ҳам ишламай 50-60 сўм билан пенсияга чиқиб кетган ўқитувчилар кўп учраган. Улар ўз касбини севмаганидан эмас, меҳнатнинг оғирлигидан, ҳақ тўланишдаги номутаносибликдан шу аҳволга тушган. Моддий жиҳатдан яхши таъминланган ўқитувчигина ислоҳот талабларини амалга оширишга астойдил киришади. Акс ҳолда ҳар қандай киши тирикчилик ташвишидан нариги ўтмайди. 10 йиллик вақт оралиғидаги озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари билан ойлик маошлар миқдорини солиштирилса, 30 йил аввалги ойлик маошларнинг қиймати баланд бўлганини кузатиш мумкин.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда ўқитувчи қаерда ишламасин, ватан келажаги, мамлакатнинг гуллаб яшнаши, бойлиги, ободлиги, ўқувчиларнинг қандай бўлиб етишиши айнан ўқитувчи бераётган билим ва тарбияга боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Маъсулиятли иши учун ўқитувчиларга етарлича шароит яратиб бериш ва моддий жиҳатдан қўллаб қувватлаш самарадорликни оширади.

## REFERENCES

1. Кадилов, И. (1965). Развитие школ УзССР в послевоенный период. Ўқитувчи.
2. Очилов, М., Очилова, Н. (1997). Ўқитувчи одоби. Ўқитувчи.
3. ФВДА, ф 321, р 3, й 369 “Разовый учёт о результатах повышение заработной платы учителей и других работников учреждение народного образование за апрель 1985 год”
4. НДВА, ф 12, ф 1, й.ж 500. В 45 “Сведения о бытовой культуре учителей города за 1972/1973 уч.г”
5. НДВА. Ф.266, р 6, й.ж. 653, в 6 “1989 йилдаги педагогик кадрлар тўғрисидаги маълумот”
6. Шахсий архив. М.Мухторова.



7. Маҳмудназаров Ғ. Ягона форма бўлиши керакми?// Ўқитувчилар газетаси. – 1987 йил 13 июнь– Б 2
8. Тоҳир Малик. Ўқитувчи обрўи// Ўқитувчилар газетаси – 1989 йил 10 июнь – Б 3
9. Яквалхўжаев Ё. Ўқитувчи шахсини улуғлаб// Ўқитувчилар газетаси. – 1989 йил 15 июль. – Б 3
10. Ўқитувчи қадри.//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1984 йил 3 феврал – 3-бет
11. Почётные звания Узбекской ССР  
<https://forum.faleristika.info/viewtopic.php?t=226039#p2040589>
12. Алина Свердлова-Александрова Школьные учителя в Советском Союзе // <https://lenin.guru/shkolnye-uchitelya-v-sovetskom-soyuze/>
13. Обь уставе средней общеобразовательной школы// <http://docs.cntd.ru/document/901945749>
14. [http:// Zapiski o jizni/Uchvatovsb.livejournal.com//](http://Zapiski_o_jizni/Uchvatovsb.livejournal.com//)